

Маънавият тарғиботчисига ёрдам

Ш. СОДИҚОВА

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ПАРИСИ БОР



663 (54)
С-75

ISBN 978-9943-04-239-1



Манавият

Ш. СОДИҚОВА

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ПАРИСИ БОР

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2015

УЎК: 177.1

КБК: 66.3(5Ў)6

C 75

Солиқова Ш.

C 75 Қариги бор уйнинг париси бор / Ш. Содикова; масъул муҳаррир Қ. Қуранбоев; Республика маънавият тарғибот маркази. – Тошкент: «Маънавият», 2015. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-239-1

Мазкур рисола Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши асосида тайёрланди.

Унда эл-юртимизга катта хизматлари сингган мухтарам кекса авлод вакиллариининг ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг тинч ва хотиржам, мазмунли умр кечирishi учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шу тарика жамиятимизда инсонпарварлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр юритилди.

УЎК: 177.1

КБК: 66.3(5Ў)6

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:

сиёсий фанлар доктори Қ. Қуранбоев

Т а к р и з ч и л а р:

сиёсий фанлар доктори, профессор Н. Назаров

фалсафа фанлари номзоди Б. Умаров

ISBN 978-9943-04-239-1

© «Маънавият», 2015

КИРИШ

Ҳар қандай жамият турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлардан ташкил топади. Уларнинг ўзига хос манфаатлари ва эҳтиёжлари мавжуд бўлиб, шу жамият аҳолиси ҳар бир ижтимоий гуруҳга ўз муносабати ҳамда сиёсатини ишлаб чиқади, уни амалиётга таъбиқ этишга ҳаракат қилади.

Кексаларни, аввало, бой ҳаётий тажрибага эга, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган инсонлар сифатида улуғлаймиз. Одамлар ҳаётларининг мўътадил кечиши учун жамият ва оилада замин тайёрлайдилар. Бу тайёргарлик халқларнинг турли урф-одатларида, ахлоқий қадриятлари ва эътиқодларида ўз ифодасини топган. Шу боис, жамият ва оилада кексаларга муносабат ҳам шулар жумласига қиради. Умуман олганда, кексаларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш умуминсоний фазилат ҳисобланади. Президент Ислоҳ Каримов Конституциямиз қабул қилинганнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда кексаларимизга алоҳида эътибор қаратиб: «халқимизнинг қадимий ва шонли тарихини узвий давом эттиришига, шу тарихнинг ўчмас саҳифаларини, аждодларининг буюк меросини, қадрият ва урф-одатларини ёшларимизга етказиш, ҳаётимизни тобора поклаш ва файзу баракали қилишда, бир сўз билан айтганда, уни маънавий юксалтиришда, бугун Яратганининг бизга берган ҳар бир қунини маъноли ва сермазмун ўтказишда бекиёс ҳисса қўшаётган ота-боболаримизга ҳар томонлама ҳурмат, эъзоз ва эҳтиром

кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз»¹ – дея таъкидлаган эди.

Инсон яхши ва узоқ яшашни учун соғлом турмуш кечириши лозим.

Кексалар жамоасини фаоллаштириш мақсадида тизим ва шарт-шароитларни улардан муайян ёшда фойдалана олиш учун кулай тарзга келтириш, шунингдек, қатта ёшдагиларнинг билим олиш имкониятларини кенгайтириш, уларга тўлиқ бўлмаган иш қунлари жорий этиш, кексайганда барқарор даромад ва тиббий хизматни кафолатлайдиган шартномалар тузиш тизимини яратиш зарур. Буларни амалга ошириш учун моддий-маънавий меросимиз ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланишимиз даркор.

Бой маънавий меросимиз негизида кексаларга муносабат асосий ўрин эгаллайди. Агар кекса авлодга муносабатда миллий ва умуминсоний тамойилларга асосланмасак, авлодлар ўртасидаги ворибликни таъминлай олмаймиз. Шу боис, кексаларни ҳурмат қилиш, улар соғлом турмуш шароитида яшашлари учун имконият яратиб бериш оиладан бошланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар» (64-модда), «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» (66-модда), деб ёзиб қўйилган.

¹ Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 22 йиллигига бағишланган маърузаси. «Халқ сўзи», 2014 йил декабрь.

ОИЛАДАГИ ҚАДРИЯТ

Халқимизнинг бой маънавий меросига назар солсак, азалдан кексаларни қадрлаб, эъзозлаб, ҳурматини жойига қўйиб, эътироф этиб келинган. Ҳадиси шарифда: «Кексаларни қадрламаган инсон мусулмон эмас», – дейилади. Аждодларимиз ҳам: «Қари билганини пари билмас», «Қариси бор уйнинг париси бор», – деб бежиз айтишмаган. Ўзбекона одоб-ахлоқ бўйича кексалар оиладан салом бермасдан ўтиш ҳам гуноҳ дейилади. Уларнинг беминнат хизматида бир умр содиқ бўлиш, дуоларини олиш, насиҳатларига кулоқ солиш, амал қилиш ҳам фарз, ҳам қарзидир. Шарқда кексаларни қадрлаш миллий менталитет даражасига кўтарилган бўлиб, уларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, асосий ахлокий қадриятлар ҳар бир фарзандга ёшлигидан оила давраида сингдириб борилган. Мисол учун, ёши қатталар иш бажарётганда ёшлар уларнинг қўлидан олишган, тўрдан жой беришган, таом тамадди қилишда ҳам ёши улуглар бошлаб беришган, унғача биронта ёш дастурхонга қўл узатишга журъат этмаган. Қатталар даврасида болалар кўп гапириши, уларга гап қайтариш, овозини баландлатиш гуноҳ ҳисобланган. Турли байрамларда кексалар ва беморларнинг ҳолидан хабар олиш ҳам фарз ҳисобланган.

Ўз навбатида, муайян ҳаётий тажрибага эга, ҳаёт мураккаблиklarини енгган, қийинчиликда чиниккан кексалар ўтмиш мероси, халқ урф-одатлар ва анъаналарини ёшларга ўргатишни мақсад қилганлар. Шу боис,

ёшлар нафақат ота-оналарнинг, балки маҳалла жамоасининг ҳам назар-эътиборида бўлган. Шу тарика, авлодлараро ўзаро муносабатларнинг узвийлиги шаклланиб, ёшлар улардан ўрнатилган ҳолда, ўзидан яхши ном қолдиришга интилишди, ҳаётга мухаббат, меҳнатсеварлик, бунёдкорлик ҳисси шаклланди.

Юртбошимиз айтганидек: «Ҳақиқатан ҳам қайси хонадонда нуруний отахон ёки онахон бўлса, бу оилада, албатта, файзу барақа, фаровонлик, аҳиллик бўлишини барчамиз яхши биламиз».

Тан олиш керакки, кекса авлод вакиллари ёшларга тўғанок эмас – суянчиқ, рақиб эмас – устоз, бефарқ эмас – ҳамдард бўлиши миллий ғоямизда ўз ифодасини топган.

Кексалардаги ҳаёт тажрибаси, ақл-заковат ёшлардаги куч-ғайратни, жўшқинлик, ташаббускорликни, тўғри сарфлашга, ғоявий бўшлиққа йўл қўймасликка, оғох бўлишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга даъват этмоқда. Қарилек бизда фахр бўлиб ёшларга ибрат бўла оладиган донишманд, мураббий, даража-сида эъзозланади. Улар турли воқеликларга вазминлик, босиқлик, бағрикенглик, эҳтиросларга берилмай, «етти ўлчаб, бир кес» қабилида шукроналик билан қарайдиган мўйсафид-файласуфлардир. Шу ўринда Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги Юсуфбек хожининг: «Бу даргоҳдан ҳеч кимнинг но-ризо бўлиб кетиши мумкин эмас», «Марғилонда шундай келинимиз бор экану, билмай юрган эканмиз-да», «Ўғлим, бизнинг сендан бошқа ҳаёт қувончимиз, умидишонимиз йўқ, бутун умидимиз сенга қараб қолган», «Ўғлим, хайтовур сен эшитдингми, йўқми биз онанг билан сенинг устингдан бир иш қилиб қўйдик...» – деганида, ўғли Отабекнинг: «Ақлли ота-оналарнинг фарзандлари устидан қилган ишлари номаъқул

бўлмас!»¹ – деган ўзбекона, доно, босиқ, хикматомуз фикрларини эслаш жоиздир.

Бугунги қарияларимиз ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб, «мустақиллик», «озодлик», «эркинлик» тушунчаларини дилдан ҳис эта оладилар.

Турли жойларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари – ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, кадрятларимизни кадрлаш, маънавий меросимизни тиклаш, баркамол авлод тарбияси дастурларини амалга ошириш, маънавий-маърифий ишларни яхшилаш каби қатор ишларда фахрийлар бош-қош бўлмоқдалар. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари муайян соҳаларда фахрийлар билан бамаслаҳат иш олиб бориб, улар тажрибасига таянмоқда.

«Дарҳақиқат, қарияларимиз – тажрибали ва доно кишилар, иссиқ-совуққа чидаган, жамият ҳаётининг инқир-чиқирларини биладиган, яхшини ёмондан ажрата оладиган, ёшларга насихатгўй кишилардир. Кексалар – жамиятнинг илғор ҳаётий қатлами сифатида бойлигимиз экан, уларни янада кўпроқ асраб – авайлашимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Бу жиҳатдан адабиёт ва ривоятларда кексаларимизнинг оиладаги, жамиятдаги аҳамияти ҳақида кўп ёзилган, мисоллар келтирилган»². О. Файзуллаевнинг фикрига кўра, «ҳозирги қарияларимиз орасида урушларда Ватанимиз учун қаҳрамонлик кўрсатган, ноҳақ ҳибсада бўлган, яқин дўстларидан жудо бўлганлар, оёқ-қўлларидан ажраб, ногирон бўлиб қолганлар ҳамда фан-техника, санъат-адабиёт, ишлаб чиқаришда, кишлок хўжалигида, транспорт қурилишида, умуман, халқ хўжалигининг барча соҳаларида жонбозлик кўрсатган инсонлар жуда кўп. Биз

¹ А. Қодирий. Ўткан кунлар. – Т. «Шарқ», 2000, 394-б.

² О. Файзуллаев. Қарияларни кадрлаш ғоясининг фалсафий таҳлили. // Кекса авлод манфаатлари давлат ҳимоясида. – Т.: 2002, 36-б.

яшаши учун қулайликлари бўлмагани сабабли савдо-гарларнинг хонадонларга кўноқ бўлишига олиб келган. Иқтисодий шарт-шароит ва зарурат миллий хусусиятларимиздан бири бўлган меҳмоннавозликнинг шаклланишига катта туртки берган.

Меҳмонни қабул қилиш учун маҳалла ва қишлоқ хонадонларида махсус хона — меҳмонхоналар қурилган. Меҳмон одат бўйича меҳмонхонада кутиб олинган. Меҳмонлар бир неча киши бўлса, уларнинг ёши, улуғи меҳмонхонанинг тўрига ўтказилиб, дастурхонга, нон ва чой, кейинроқ таом пиширилиб, (кўпинча палов, қовурдоқ, шўрва) аввал кексаларга, сўнг ёшларга тортилган. Меҳмоннинг уловига (от, эшак, туя) ҳам пичан, ем берилган. Меҳмон, иложи борича, меҳмонга саховат кўрсатиб, имкон даражасида кутиб олишга ҳаракат қилган.

Кўпинча мўжаллаган манзилига етолмай, қоронғуда қолган, қор-бўронга учраган, йўлдан адашган йўловчи тўғри келган хонадон эшигини қоқиб, уй соҳибига: «Меҳмон қабул қиласизми?» — деб сўрайди. Меҳмон: «Меҳмон — атоғи худо», — деб уни уйига таклиф қилган.

Ўзбек меҳмондорчилиги одатларидан бири — меҳмон қимнинг хонадонига келишидан катъи назар, уни бориб кўриш кўшнларнинг инсоний бурчи ҳисобланган.

Меҳмонни навбати билан бошқа хонадон соҳибларининг ҳам ўз уйларида таклиф қилиши қадимги анъаналаримиздандир. Улуғ меҳмоннинг оёғи тағига поёндоз тўшаб, баъзан кўй сўйиб кутиб олиш, зиёфатга қўшнилар, маҳалладагилар ёки қишлоқ оқсоқоллари, хурматли кишиларни таклиф қилиш ҳам удумга айлана кетган.

Қатталарни ҳурмат қилиш одати ҳам уруғчилик давридан бошлаб мавжуд. Бу даврда ижтимоий муносабатлар

бундай инсонларни қадрлашимиздан уларнинг умри янада узаяди, кайфияти ошади ва ниҳоят, кадрловчилар эса келгусида ўзлари ҳам қадрланадилар¹.

Кексаларни эъзозлаш мақсадида, уларни ҳукумат томонидан ижтимоий ҳимоялаш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Маълумки, ижтимоий ҳимоялашнинг шакллари хилма-хилдир. Мустақилликнинг илк кунлариданок Ўзбекистон раҳбарияти бу муаммага катта эътибор қаратди.

Маълумки, азал-азалдан барча оилавий тўй ва маросимлар, жумладан, ҳашарлар маҳалла жамоалари иштирокида ўтказиб келинади.

Ҳашар — қадимий удумлардан бири бўлиб, асосан, дала ишлари, уй қуриш, тўй-ҳашамларда жамоа билан ташкил қилинган. Ҳашарга айтилган барча кишилар ихтиёрий равишда қатнашган.

Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек халқида меҳмондорчилик кенг тарқалган.

Ибтидоий жамоа (уруғчилик) даврида шаклланган меҳмондорчилик ҳаётий заруратлар билан боғлиқ бўлиб, турли ижтимоий-иқтисодий жараёнларни боғлаб ўтиб, бизгача етиб келди. Маълум сабаблар билан тарқалиб кетган уруғ-аймоқлар, оилалар бир-бирларини топпан, улуғ меҳмон сифатида иззат-иқром билан қутиб олинган. Бора-бора меҳмондорчилик халқларнинг удумига айланган, меҳмонга нафакат уруғдош ва қариндошлар, хатто, бегона кишилар, йўловчилар ҳам таклиф қилинган. Меҳмоннавозлик миллий хусусиятимизга айланишида ўлкамизнинг Буюк Ипак йўли марказида жойлашгани муҳим роль ўйнаган. Бундан кўп асрлар аввал қарвонсаройларнинг муайян муддат

¹ О. Файзуллаев. Қарияларни қадрлаш ғоясининг фалсафий таҳлили. // Кекса авлод манфаатлари давлат ҳимоясида. — Т.: 2002, 36-37-б.

кичикларнинг катталарга ва кабила бошликларига сўзсиз итоатда бўлишни тақозо этган. Жамоани, асосан, уруғ ва оила бошликлари бошқарган. Оғир ишларни асосан, ёшлар бажарган. Қариялар кундалик ҳаёт учун зарур билимларни, хусусан, ўғмишдан мерос бўлган барча таомил (урф-одатлар)ни ёшларга ўргатганлар. Ўзбек халқининг бундай одатлари халқ анъаналари ҳамда ислом дини ва шариат асосида юзага келган.

Юқорида келтирилган тартиб-қоидалар, одатлар ёшларга қатъий тарзда, аввало, оилада ўргатилган. Фарзандларнинг одоби, ахлоки оиладаги тартиб-интизом ва улуғларнинг қатъийлигига боғлиқ бўлган.

Ўзбек халқининг оилавий маросимларидан энг асосийлари бешик тўйи, суннат тўйи ва никоҳ тўйларидир. Бу улуғлар бевосита оилавий бўлса-да, лекин жамоанинг, кексаларнинг кенг иштирокида ўтган. Шунинг учун тўйлар доимо жамоа оқсоқоллари билан бамаслаҳат ўтказилган.

Бешик тўйи халқимизнинг қадимий одатларидан бири. Одатда, тўнғич фарзанд туғилганида ўтказиладиган маросим. Бу маросимни ўтказишда кексаларнинг маслаҳати, йўл-йўрикларига риоя қилинади.

«Ўзбекларда яхши умидлар билан фарзанд ўстирган ота-она борки, фарзандларини оилали, уй-жойли қилиш таъбири билан яшайди. Бу улар ҳаётининг мазмунини бўлиб қолади»¹.

Махаллада обрў-эътибор қозонган хонадон фарзандларини келин ёхуд куёв қилиш, куда бўлиш ҳар бир ота-онанинг эзгу орзусидир.

«Ўғил-қизларининг оила қуриб, тинч-тотув яшаб кетишига эришган нуроний боболаримиз, мушфик бувижонларимиз неварга, чевара, эвараларининг яхши

¹ А. Иброҳимов, Х. Султонов, Н. Жўраев. Ваган туйғуси. – Т., «Ўзбекистон», 1996, 93-б.

таъбири билан яшайдилар. Бахтли ҳаёт кечирган қарияларимизнинг асосий машғулотлари дуоғўйлик, маслаҳатгўйликдир»¹.

Маълумки, халқимизда катталарни ҳурматлаш, эъзозлаш, уларнинг панд-насихатларига амал қилиш каби фазилатлар азал-азалдан мавжуд. Чунки ёшлар кексаларнинг ўғитидан, донолик йўғрилган насихатларидан, намунали ҳаётдан ҳулоса чиқариб, ибрат оладилар. Зеро, қарияли уй мактабдир, деб бежиз айтилмаган. Яна халқимизда: «Қария – қариндошлар мойтуғидир», – дейилади. Мойтуғ «туғ» сўзидан олинган бўлиб, байроқ ўрнатиладиган жой, яъни қариндош-уруғлар тўпланадиган маскан, деган маънони англатади. Дарҳақиқат, ўзбек оиласида ҳар бир қариянинг ҳолидан ҳабар олиш, зарурат бўлганда кўмаклашиш ҳам фарз, ҳам қарзидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир мўмин, солиҳ фарзанд кексаларнинг дуоларини олтин билиб, оналаримиз оёғи остида бoshланувчи жаннатни ўзлари учун фазилат деб билишади.

Ўзбек халқининг бундай хусусиятини Президентимиз шундай таърифлаган: «Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил. Бизлар тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий қунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан ҳабар олиб, каттанинг ҳурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, ҳуллас, одамгарчиликни барча нарсалардан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз»². Бу ўзбек халқига берилган ғоят юксак таърифдир.

¹ А. Иброҳимов, Х. Султонов, Н. Жўраев. Ваган туйғуси. – Т., «Ўзбекистон», 1996, 93-б.

² Ислам Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 364-б.

Хуллас, ажодлар меросини кейинги авлодларга тўла-тўқис етказишда кексаларнинг ўрни, хизмати каттадир.

Мусулмонлар, жумладан, ўзбек халқи ҳаётида Рамазон ва Қурбон ҳайитлари ҳамда улар билан боғлиқ удулларни бажариш ҳам муҳим ўрин тутати.

Ҳайит байрамларига азадан жиддий тайёргарлик кўрилган. Арафа кунлари қабристонга бориб, у ерларни тозалаш, агрофига гул, дарахт экиш, яқинлар мазорини ободонлаштириш, зиёрат қилиш одатга айланган. Ҳовли ва кўчалар тозаланиб, турли пиширик ва тансиқ таомлар тайёрланган. Эрта тонгдан янги, тоза кийимлар кийиб, Ҳайит намозини жамоа бўлиб ўқиганлар. Ҳайитнинг биринчи куни баъзи қишлоқ масжид ва қадамжоларида сайил бўлган. Бу байрамда (одатда, уч кун) ҳамма бир-бирларини мазкур байрам билан табриклаб, бемор қариялар ва ногиронларни бориб кўрадилар, тўқин дастурхон ёзиб, меҳмон қутадилар.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Республикамиз мустақилликка эришгач, ҳайит кунларини байрам қилишга кенг имконият яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан ҳар йилги Рамазон ва Қурбон ҳайитлари дам олиш куни, деб эълон қилинди.

Ҳар бир халқнинг тарихан таркиб топган ўзига хос урф-одат ва анъаналари эъзозланиб, ажодлардан авлодларга мерос қолади. Шу тариқа ажодлар анъаналари давом эттирилиб, уларнинг барқарорлиги таъминланади.

Ижтимоий тарбиявий аҳамиятга молик одат ва маросимлар асрлар давомида жамоатчиликнинг кексалари бошқарувида бўлган. Ҳар қандай давлат ўз миллати, халқини мукаммаллаштириш мақсадида халқчил, инсонпарвар одат ва анъаналарни қўллаб-қувватлаб келгани маълум. Шу жумладан, ўзбек миллатига хос

анъана ва урф-одатлар ҳам тарихан таркиб топган ижтимоий муносабатлар маҳсули бўлиб, халқнинг яшаш шароити, муҳити натижасида вужудга келган.

Таъкидлаганимиздек, ажодлар меросида кекса ва ёшлар ўртасидаги муносабатлар муҳим ўрин эгаллайди. Ёш авлод бу бой меросдан тўла баҳраманд бўлиши учун, аввало, кексаларни ҳурмат қилишлари, кадрлашлари, уларнинг ҳаётий эhtiёжларини қондиришлари, ўз фарзандлик бурчларини бажаришлари даркор. Бу анъаналаримизни ёш авлодга етказиш, уларни баркамол авлод этиб тарбиялашда ота-она, катта ёшдаги кишиларнинг намунали ҳаёти, тарбиявий ишлари, панд-насихатлари катта аҳамиятга эгадир.

АВЛОДЛАР ВОРИСЛИГИ

Қадимги дунёда «геронтократия» (юнончада «кария ва ҳокимият» маъносини беради) универсал тушунча бўлган. Қадимги Грецияда кариялар кенгаши – «герусий» устуңлиги мавжуд бўлиб, бундай кенгаш аъзолари «геронтамлар» деб аталган. Бунинг таржимаси «кария» деганидир. Гомер ва Софокль асарларида кариялар асосан илоҳий шахслар сифатида тасвирланади.

Платон геронтократик карашини «Давлат», «Қонун», «Сиёсат», «Мактублар» асарларида асослаб беради. У карияларни тарихлар, анъаналар, қонунлар химоячиси деб таърифлайди¹.

Аждодларни ҳурматлашга чақириш Қадимги Хитой мутафаккири Конфуций (эрамизгача 551 – 479 йй.) таълимотининг асосини ташкил қилади. Унинг таълимоти узок асрлар давомида Хитойда давлат доктринаси сифатида қабул қилинган. Натижада, нафақат донишманд ватанида, балки қўшни мамлакатлар: Япония, Корея, Вьетнамда ҳам ўзига хос дин бўлиб тарқалди. Таълимотнинг асосий моҳиятини «ли»жамятни бошқариш, расм-русум ва воқелик тартибни ташкил этиш, унда фарзандларни қатталарни ҳурмат қилишга ўргатиш асосий ўрин эгаллайди².

Аждодлар билан авлодлар узлуксиз муносабатини таъминлаш учун аждодлар меҳнати, тарбиялаган фар-

¹ Платон. Государство. Законы. Политика. / Пер.: Предисл. Е. Темнова. – М.: Мысль, 1998, 43-6.

² В. Алимасов. Конфуций // «Шарқ юлдузи», 2005, 2-3 сонлар, 175-6.

зандлари, қурган иморатлари, парваришлаган боғлари кадрланган, уларнинг инсонпарварлик фазилатлари хотирланиб, ишларини давом эттириш уқтирилган. Аждодлар билан авлодларнинг ўзаро муносабатини, моддий ва маънавий меросини ёш авлодга мукамал етказишда карияларнинг ўрни бекиёс бўлган. Халқимизнинг бой маънавий меросига чуқур назар солсак, «Авесто»да ҳам карияларни кадрлаш, ардоқлаш муқаддас вазифа саналган. Зардуштийлик дини ва таълимотининг асосчиси Зардушт карияларни кадрлаш борасида: «Кексалар гапига қулоқ солинг ва андиша билан мулоҳаза юритиб, яхши билан ёмонни ўзингиз ажратиб олинг», – дея ёшларга панд-насихат берган. У устозларни ҳам кариялар каторига қўшиб, шундай дейди: «Яхши устозлар тангрига якин одамлардир. Шунинг учун уларни эъзлашимиз лозим».

«Авесто»да ёзилишича, инсоннинг яшашидан мақсади эътиқодли бўлиб, юртни обод, элни фаровон, карияларни кадрлаб, эъзозлаб, у билан ёшлар ўзаро аҳил яшашини таъминлашдан иборатдир.

Зардушт покиза ахлоки, собитқадам, ижодий меҳнат соҳиб, у кекса инсонни шарафлайди, унинг донишмандлигига ишонади, илм ва ахлоқни инсон ҳаётидаги маёқ деб билади. Зардушт фалсафасида юксак ахлоқ, ижодий меҳнат эгалари – кариялар шарафи асосий ўринда туради.

«Авесто»да таъкидланадики, яхши устоз ёшлар қалбида ўз дини, халқи, юртига меҳр уйғотади, одамларни ҳалол меҳнат-эвзига яшашга ўргатади, покдомонлик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжихатлигу ғамхўрликни кенг тарғиб қилади. Донишманд устозлардан шогирдларга ижобий фазилатлар мерос бўлиб қолади. Устозларни «шаҳару кишлоқларда, бутун мамлакатда таълим берадиган, ҳақ йўлини тутганлари туфайли хонадонларга янги аҳкомларни олиб кирадиган халқ ардоғига

соҳиб бўлган тоифалар сифатида олқишлаймиз»¹, – деб кадрианади.

Ислоҳ дини нуқтаи назаридан ёшлар тарбиясига ёндошилганда қуйидагиларга амал қилмоқ керак:

1. Заиф томонларининг, камчиликларининг эътироф эт ва уларни бартараф этишга ҳаракат қил.
2. Сен билан муомалада бўлган инсонларнинг теъкорлиги кўзга ташланиб турса, сабрли бўл.
3. Сени тинглаётганлар сўзининг яхши тинглаши учун керакли сўзларни айт.
4. Ҳазил қилмоқчи бўлсанг, охирини яхши ўйлаб ол.
5. Қаршингдаги одамларга қандай таъсир қилаятганинга эътибор бер.
6. Ўлчаб кўрмасдан беадаб бичимда гапирма.
7. Кераксиз танқидлардан қоч, одатларни ўзлаштириш қийинлигини билиб, маъқул ва сезгир бўл.
8. Ўзлуксиз шикоят қилувчилардан бўлма, ўз қарашларининг зўрлаб қабул қилдиришдан қоч.
9. Шовқин кўтарма, қаршингдаги одамни диққатэътибор билан тингла, айтган гапларинг билан юз инфодаларинг бир-бирини тўлдирсин.
10. Бошқалар билан пичирлашма, бошқаларни ёмонлаб юрма, сўзини бўлма.
11. Биров-бировни химоя қилса, унинг гапини тўхтатишга интилма.
12. Ҳар қимнинг ишига бурнини сукаверадиган одам бўлишдан саклан.
13. Овқат еб туриб, бевосита гаплашма.
14. Тушунарли ва қондали ёз, сўзларни танлаб ишлат, отларни, унвонларни тўғри ишлат, ёзганларининг ўқиб чиқмасдан бировга берма.

¹ М. Болтаев. Булук мутафаккир Зардушт ва унинг «Авесто» китоби. – Бухоро, 2001, 7–9-б.

15. Яхшиликка интил, чунки интилиш ва амал инсонга файз-камол бахш этади, улуғ даражага етказади.

16. Кўпчилик бирор киши ҳақида ҳукм чиқармагунча уни яхши, ёмон дейишдан тилингни тий.

17. Билимининг химмат камари билан мустаҳкамла, донолар изидан юришга интил!

18. Дўстга ҳам, душманга ҳам очик юзли бўл, ўзининг баланд тутишга уринма.

19. Ёши улуғ кишиларни иззат ва ҳурмат қил! Кишкларга шайқат ва марҳамат кўрсат. Ўзингдан улуғлар сенга раҳм қилишини хоҳласанг, ўзингдан пастларга раҳм қил. Меҳрибон бўл, меҳрибонлик факат инсонни эмас, ҳатто ҳайвонни ҳам ром қилади. Бадфеъл бўлма, икки нарсани киши ўзидан қувиши қийин: бири – соя, иккинчиси – бадфеъллик¹.

Лукмони ҳаким ўғлига насиҳат қилиб деди:

Сен ота-онанг ҳаёлигида уларга қандай муносабатда бўлган бўлсанг, фарзандларингдан ҳам худди шундай муносабатни қут.

Ҳақиқий фарзанд ҳар бир соҳада отасининг ҳукмига тобе бўлади.

Қариндош-уруғларининг ўзингдан узоқлаштирма, уларга марҳамат кўзи билан бок, уларнинг гапига қулоқ сол ва ҳаммаша яхшиликни аяма! Раҳм узоқ яшаш учун воситадир ва у кишининг тинч, фаровон яшашига сабабчи бўлади!

Қундан-қунга саодатли бўлай десанг, қанчалик доно бўлмагин, барибир ўзининг нодон деб тасаввур қил! Шунда кўпроқ ўқиб, донорок бўласан. Илмни эса ўз жойида сарф қил.

Билгинки, ҳар бир кишининг ақлу идроки ва заковати унинг сўзидан ва қилган ишидан маълум бўлади.

¹ Т. Хидоятхўжаев. Фарзандлар жаннат райҳонларидир. – Т.: «Янги аср авлоди», 2002, 89–90-б.



ишларинг умрингни узайтиради, уларга рашк ва хасад билан ёмонлик қилсанг, умринг қисқаради.

Ёшлигинг мисоли бир қуш! Ёшликда шундай иш қилки, қариганигда фойда берсин ва унинг беҳуда ўтганидан афеус ема!

Дунё сенга хуш ўтиши учун ўзингни ўткинчи ҳою ҳаваслардан асра, мол-дунёни фарзандлар қамоли ва Худои Таоло йўлида сарф эт, шунда пушаймон емайсан.

Умр дафтаринг сермазмун бўлишини истасанг, унинг ҳар бир саҳифасини бойитиш учун кураш.

Ёшлик даврининг кадр-қимматини билмаган киши кексайғач, эл назаридан қолади.

Инсон умрининг тўрт фасли бир-бири билан узвий боғлиқ. Агар умр бахорини беғамликда, ёз фаслини лоқайдликда ўтказсанг, кузда ҳосилинг аттанг, умрининг охири – киш фасли эса ҳасрат-надоматдан иборат бўлади.

Одамнинг умр баҳорида чеккан қийинчиликлари ва машаққатлари умрининг куз фаслида ҳосил байрамга айланса, у энг бахтиёр инсондир.

Одам ҳар қанча олим бўлса ҳам унинг ўзи сезмаган қамчиликлари кўп.

Отаси олдида ўз қамчилигига иқрор бўлмаган фарзанд ўз қасалигини табибдан яширган беморга ўхшайди.

Оталар фарзандларига ҳақиқатни айтадилар. Ҳақиқат тиканли гулга ўхшайди, ҳидлашни билмаганларнинг бурнига санчилади. Баъзи бир ноқобил кишиларнинг қулоғи ҳақиқий сўзни эшитиш учун игна тешиги каби тор бўлади, мунофиқона сўзланган сўзлар учун дарвоза каби кенг очилади¹.

¹ Т. Ҳилоятуҳжаев. Фарзандлар жаннат райхонларидир. – Т.: «Янги аср авлоди», 2002, 90–95-б.

Сезгирлик ва сўз воситаси билан одамнинг қайси той-фага мансублигини, қандай ҳислат ва фазилат соҳиби эканлигини англаб олиш мумкин.

Пишай десанг сафар қил, сафардан беш фойда бор: кўнгли ёзиш, куч тўплаш, илм ва одоб ўрганиш, доно кишилар зиёратида бўлиш. Олим ва доно одамлар билан ўтирсанг фойда оласан. Чунки гул ёнида ўтирган одамга гулнинг хиди уради. Одоб қондаларини мукаммал ўрганишга интил, уларга доимо амал қил. Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг, ўзингдан аввалгилардан ибрат ол. Бир қимсага қатта яхшилик қилган бўлсанг ҳам, уни кичик деб бил, агар биров сенга кичкина яхшилик қилган бўлса, уни қатта деб фахмла. Ёмон кун бошинга келганда сабр қилсанг, яхши кунга тез етасан. Ҳар бир ишда қатталардан, шу ишнинг мутахассисларидан маслаҳат сўра, чунки бойлик мухтожликдан қутқаргани каби маслаҳат хатолардан ҳалос этади, бинобарин, синамаган кишидан маслаҳат сўрама. Мингта одамни ўзингга дўст қиламан деб, битта одамни ўзингга душманга айлантирма, чунки дўст мингта бўлса оз, душман битта бўлса кўпдир. Кўп ухлама, билгилки, кўп ухлайдиган одамнинг умрида барака кам бўлади.

Билгилки:

инсонда йигирма ёшида туйғулар, ўттизда – истеъдод, қиркда – ақл-заковат ҳукмронлик қилади.

Икки нарса инсонни тез адо қилади: бири – аҳмоқлик, иккинчиси ахлоқсизлик.

Баъзилар умрни асрашни билмагани боис, айримлар эса буни истамаганлари учун ҳалокатга юз тутадилар.

Бўлар-бўлмасга тутакиб, тажанг бўлаверадиган киши ёшлик тароватини тез йўқотади. Чунки ёшлик тароватининг қушандаси тажанглиқдир.

Одамларга билдирган яхши тилагинг ва шарафли

Ушбу оят ҳар бир инсонни ота-онаси, кексаларга муносабатда ақл-идрок, бағрикенглик билан фикр юритиб, муомалада бўлишга ундайди. Қарамоғида кекса ёшли ота-онаси ёки бирор қариндоши бор кишилар ўзлари ҳам бир кун келиб, шу ҳолга тушишларини ўйлашлари, бундан ҳулоса чиқариб, уларга доимо яхши қараб, эҳтиёжларини имкон қадар қондириб, яхши муомалада бўлишлари керак.

Аслида, кексаларнинг борлиги улкан бахт. Уларнинг дуолари туфайли Аллоҳ Таоло бизларни турли офатлардан асрайди. Бу ҳақда Расулulloх шундай деганлар: «Агар ораларингизда муниқиллаган қариялар, ўтлаб юрган жонзотлар ва эмизикли чақалоқлар бўлмаганида эди, бошингизга балолар селдай оқиб келарди».

Бошқа бир ҳадисда эса шундай марҳамат килинади: «Мўйсафид кишини ҳурмат қилиш Аллоҳ Таолони улуғлаш демакдир».

Ёшларнинг қарияларга муносабатини шакллантиришда қуйидаги ахлоқий тамойилларга амал қилиш тавсия этилган:

1. Отага муҳаббатингни сакла, агар сен отага бўлган муҳаббатингни йўқотсанг, Аллоҳ сени турли файзлардан маҳрум қилур.
2. Аллоҳ оталарингиз номи билан онг ичмокни тақийлайди.
3. Отасининг вафотидан кейин ҳам унинг ҳаёт вақтидаги дўстларини дўст тутган одам яхшиларнинг яхшисидир.
4. Сенинг ўзинг ҳам, молинг ҳам отангникидир.
5. Жаннатга қираман деган одам оналарнинг ризолигини олсин.
6. Кимки қабрдаги отасининг ризолигини тиласа, отасининг яқинларини зиёрат қилсин.
7. Отага итоат қилмок Аллоҳга итоат қилмокдир.
8. Отанинг дўстини ҳурмат этмок яхшиликдир.

Ислоҳ дини инсонларни бир-бирларига доимо яхшилик қилишга буюради. Хусусан, гўдаклар, аёллар ва кексаларга янада кўпроқ эътибор қаратишга чақиради. Бу ҳақда Қуръони Каримда: «Раббингиз, Унинг ўзигагина ибодат этишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон,) агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!...» дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт! Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода): «Эй Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғида тарбиялаганларидек, сен ҳам уларга раҳм қилгин», деб айт!»¹. «Кимки ота-онасини рози қилса, тубо насиб бўлиб, Аллоҳ Таоло унинг умрини ҳам зиёда қилади»².

Фарзанд ота-онага доимо самимий муомалада бўлиши шарт. Айниқса, улар кексалик ёшига етиб, қучқуватдан қолиб, ёрдамга муҳтож бўлганларида ҳар бир фарзанднинг масъулияти яна ҳам ортади. Инсон кексайгач, унинг кўнгли нозик бўлиб қолади. Ҳар қандай муомала ҳам ёқавермайди. Шундай ҳолларда фарзанд уларни тушуниб, эътироз билдириши мумкин эмас. Ота-она фарзандини тарбия қилишда ҳар қанча машаққат бўлса ҳам сабр қилган, норози бўлмаган. Аксинча, унга бор меҳрини бахшида этган. Фарзанд гўдаклигида ота-онага қанчалик муҳтож бўлса, ота-она ҳам кексайганида фарзанди ёрдамга шунчалик муҳтождир. Зеро, Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: «Биз қимга узок умр берсак, унинг вужудини ҳам (этиқ, заиф) қилиб қўйормиз. Ахир ақл юргизмайдиларми?!»³.

¹ Қуръони карим. Ал-исро сураси, 23-24-оятлар. — Т.: «Шарк», 2001, 284-б.

² Имом ал-Бухорий. Ал-алаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). — Т.: «Ўзбекистон», 1990, 19-20-б.

³ Қуръони карим. Ёсин сураси, 68-оят. — Т.: «Шарк», 2001, 444-б.

9. Инсонларнинг қарами динидадир, муруввати ақлидадир, обрўси ахлокидадир.

Маънавий-ахлоқий меросдан ўз ижодида самарали фойдаланган буюк мутафаккир Алишер Навоий «Хайрат-ул-аброр», «Насихатнома» каби асарларида ота билан ўғил муносабатларини фалсафий таҳлил қилади. Алишер Навоий Куръони карим оятлари ва ҳадиси шариф битикларига асосланиб, Султон Бадиуззамон номига йўллаган мактубида: «Аллоҳнинг ризоси – отанинг ризосига, Тангри Таоло ғазби – Ота ғазбига вобастадир, ота фарзанд учун парвардигордир. Чунки Аллоҳ йўқликдан борликка фарзандини келтирар экан, сабабчиси қилиб отани танлади»,¹ – деб ёзади.

Ота-онанинг ёши улғайиб, кексайдан сари ақл доираси тўлиб боради, ҳаёт тажрибаси ортади. Айни вақтда, кўп воқеа ва ҳодисаларни, адолатсизликларни кўрганлари боис уларнинг асаблари таранглашади, хотираси заифлашади. Турли ҳасталикларга тезда чалинади, ҳолсизланиб қолишади, руҳий ҳолатлари ҳам тез-тез ўзгариб туради. Фарзандлар ҳар қандай вазиятда ҳам бундай ҳолатни тўғри тушунишлари, улар билан муносабатда самимий, мулоҳима ва ширинсухан бўлишлари шарт.

Кайковус «Қобуснома» асарида қуйидагиларни ёзган: «ҳар киши ота-она (асли)нинг яхшилигини билмаса, бировнинг яхшилигига баҳо беролмайди. Ўз фарзанднинг сени хурмат қилишини истасанг, сен ҳам ота-онангни хурмат қил, чунки сен ота-онанг ҳаққига нима иш қилсанг, фарзандларинг ҳам сенга шундай иш қилади»². Ота-онанинг барҳаёт чоғлари фарзанднинг

энг бахтиёр, энг масъул ва ғанимат дамларидир. Шу боис, уларни рози қилиш ва дуоларини олиш ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчидир.

Мусулмон халқлари тарихи ва маданиятининг етук билимдони Ризоуддин ибн Фаҳриддин «Илми ахлоқ» китобида шундай ёзади: «Накадар бахтга ва мартабаларга эришган бўлсангиз-да, ота-оналарингизни ҳеч вақт унутмангиз! Уларга итоатли бўлиб, хурмат қилингиз! Насихатларини тинглаб, ризоликларини олингиз! Муҳтожликларини, ҳасрату қайгуларини тугатишга тиришингиз!»¹

Ота-онага эҳсон этишга амр қиладиган оят ва ҳадисларни қандай тавсиф қилиш керак? Шу савол доимо ҳаёлимдан ўтар эди. Мен мударрис устозлардан саволимга жавоб беришларини истардим, лекин улардан коникарли жавоб ололмадим, ҳатто, «бу ишлар билан овора бўлма, нимаики китобларда ёзилган бўлса, ўшани қабул этгин», – дейишди. Мен нима қилишни билмай қолардим. Хуллас, Куръон ва ҳадис мутолаасига мушарраф бўлдим, фойда келтирувчи илмлардан кўпроқ баҳраманд бўлдим. Натижада ота-онанинг ҳақ-хукуклари янада равшан ва аниқ бўлди.

«Одамзотга амр қилдикки, отангга яхшилиқ қил. Агарда улар сенга буюрсалар ва ул иш сенинг ширк ва куфрингга сабаб бўлса, итоат қилмагин. Сизлар мен томон қайтасизлар, ўшанда дунёда нима иш билан машғул бўлганларингизни айтаман»². «Агарда ота-онанг сени мушрик бўлишинг учун ҳаракат қилсалар, уларга итоат этмагин. Шунга қарамасдан бу дунёда

¹ Ризоуддин ибн Фаҳриддин. Илму ахлоқ. – Т.: «Меҳнат», 1991, 60-б.

² Куръони карим. Анкабут сураси, 8-оят. – Т.: «Шарқ», 2001, 397-б.

¹ Алишер Навоий. Асарлар. – Т. 6. Ҳамса. Хайратул-Аброр. А. Қодирӣ номидиги Халқ мероси нашриёти, 1965, 267-б.

² Кайковус. Қобуснома. – Т.: «Ўқитувчи», 1986, 168-б.

билан тушунтирмоғи лозим. Масалан, Иброҳим де-
ганки: «Эй ота, шайтонга сизинмагин».

Иккинчидан, агарда ўғил отаси билмаган нарсани
билиб олса ва шу маънони отасига тушунтирмоғи ло-
зим бўлса, ўзига эргаштириш учун уни даъват қилсин.

Учинчидан, агарда ота фарзанднинг бу ҳаракат-
ларидан хафа бўлиб ман этса, ўғли отасининг тўскин-
лик қилишларига эътибор қилмасин. Лекин отасига
қўпол муносабатда бўлмасин, балки мулоҳима ва ши-
рин сўзлар билан норозилигини билдирсин. Агар фар-
занд зиммасига тушган ҳақ ва шаърий бўлган дин риво-
жига ҳаракат қилиш, мулку миллат учун хизмат этиш,
илм олиш каби ишлардан бирига бел боғламоқчи бўл-
са ва унинг ишидан ота-онасига бирор зарар етадиган
бўлса, шу ишларга ота-онам қарши деб воз кечиши
тўғрими? Бу саволга ҳам жавобни қуйидаги оятни қари-
мадан оламиз: «Эй мўминлар, ҳар бир ишнинг ижро-
сида адолат қилинг, ҳолисанлиллоҳ шаҳодат беринг-
лар, ҳатто, бу амалингиз ўзингизга, ота-онангиз ёки
уруғ-қариндошларингизга ҳам зарар келтирса»¹. Бу оят
шуни далолат қиладики, мўмин одамлар адолат ижро-
си ва ҳақ изхори учун доим ҳаракат қилишлари лозим.
Бу йўлда ўзларига ёки ота-оналарига зарар тегишидан
андиша қилмасликлари лозим.

Ажабо, агарда ота-она бизларни адолат ўрнатишда
ҳар бир мусулмон учун бажарилиши шаърий бўлган ҳақ
сўзни айтишни ман этсалар, уни қабул қилайликми? Бу
саволга қуйидаги ҳадисдан жавоб оламиз. Али (к.в.)²

саволга қуйидаги ҳадисдан жавоб оламиз. Али (к.в.)²

¹ Қуръони карим. Нисо сураси, 135-оят. – Т.: «Шарк», 2001,
100-б.

² Али қарамуллоҳ вақҳаду. Али ибн Абу Толиб. Тўртинчи
халифани Рошиддин. Расулulloҳнинг амакиваччалари, қизлари
Фотиманинг эри. 656–661 йилларда халифалик қилган. 661 йили
ўлдирилган.

улар билан яхши яшагин»¹. Мана шу иккита оятни қа-
рим баён қиладики, ота-она фарзандларини ширк
ва куфрга даъват этсалар, фарзандлар уларга итбат
қилмасликлари лозим. Агар фарзанд ота-онасини
хато йўлида кўрса, уларни тўғри йўлга чақириш мум-
кинми? Бу саволга қуйидаги оятни қарима жавоб бе-
ради. Қуръонда рост сўзлагувчи ва пайғамбар бўлган
Иброҳим ҳикояти зикр этилган². У отасига деди: «Эй
ота, кўрмайдиган, эшитмайдиган, сенга наф бермай-
диган бу бутларга нима учун сизинасан? Эй ота, мен-
да шундай илм ҳосил бўлганки, у сенда йўқ. Бас, мен-
га эргашгин, мен сенга тўғри йўлни кўрсатайин. Эй
ота, шайтонга ибодат қилмагин, у ҳазрати Раҳмонга
исён қилибдир. Эй ота, Аллоҳ томонидан сенга азоб
тегишидан кўркаман, унда шайтонга дўст ва ҳамроҳ
бўласан». Иброҳимнинг отаси дедики: «Эй Иброҳим,
агарда бу фикрингдан қайтмасанг, сени дуоибад
қиламан, йўқол кўзимдан, қаҳримга гирифтор бўл-
ма». Иброҳим деди: «У (Аллоҳ) нинг менинг ҳаққимга
лутфу марҳамати бордир». Шубҳасиз, Қуръони қа-
рим Худонинг тўғри йўлидир. Унинг оятлари қайси
мавзуда бўлмасин, ҳаммаси бандаларга йўл кўрсатиш
учун нозил бўлгандир. Жумладан, ҳазрати Иброҳим
киссалари бўлган оятлар ҳам бизларга бир нечта хато
ноларни тушунтиради. Биринчидан, агарда ота хато
йўлга кирган бўлса, фарзанд отасига эътироз қилиб,
уни хато йўлдан қайтариши тўғридир. Лекин фарзанд
ота хатосини мулоҳима қилган билан ва аниқ далиллар

¹ Қуръони карим. Лукмон сураси, 15-оят. – Т.: «Шарк», 2001,
412-б.

² Қуръони карим. Марям сураси, 42–49-оятлар. – Т.: «Шарк»,
2001, 308-б.

ривоят киладики, Набий (с.а.в.) деганлар: «Якилланинг ношарий ишга буюрса, килишинг нотўғридир, шаърий ишларга буюрса, килишинг тўғридир».

Бир одамга отаси ширкка сабаб бўладиган ишни буюради, фарзанд эса дин ривожини ва ҳақ йўлини ихтиёр этган, отаси айтган ишни бажармайди. Бир одамга эса онаси хотинини талок беришга мажбур қилади. Хулоса шуки, баъзи ота-оналар фарзандларига шаъъан тўғри бўлмаган ишларни тақлиф қилади. Фарзанд эса, ислом динига амал қилиб, бундай тақлифларни самимийлик ва оқилона сўзлар билан рад этиб, ўз ишлари билан машғул бўлсинлар¹.

Фитрат бу фикрлари билан қарияларнинг барча йўл-йўриқларига ёшлар кўр-кўрона эргашмасликларини таъкидлайди. Чунки ҳамманинг ўз фикр ва қарашлари бўлиб, бир-бирига тўла мос келмаслиги табиий ҳолдир. Шундай ҳолда ёшлар кексаларга озор бермасдан масалани тўғри ҳал қилишлари уқтирилади.

Маълумки, Шарқ халқлари ҳаёти оилавий турмуш тарзига асосланган. Оила, оилавий муносабатлар ижтимоий ишлаб чиқариш ва мафкуравий-сиёсий тузумга боғлиқ бўлса-да, оиланинг анъанавий асосий урф-одатлари кўп асрлардан бери ажлодлардан авлодларга ўтиб келади. Аммо бу анъана ҳамда маросимларнинг мустахкамлиги ва давомийлиги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бир хил бўлмаган. Ижтимоий-иқтисодий ва ғоявий-сиёсий омилларнинг асосий хусусиятига қараб, оила ҳамда оилавий муносабатлар шакллари ривожланиб, ўзгариб борган. Шу ўринда оилада турли ёшдаги авлодлар ўртасида юз берадиган ижтимоий муносабатларни ҳисобга олиш ниҳоятда

муҳим. Зеро, оилавий бирлик махсус ва шу билан бир-га, мураккаб ижтимоий муносабатлардан иборатдир. Айниқса, фарзанд, ота-она ҳамда қариялар ўртасидаги муносабатлар турли вазиятда турлича кечади. Оиладаги ўзаро муносабатларнинг барча учун мақбул бўлиши қарияларнинг вазмин, мулоҳазали, одилона қарорига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Этномаданий анъаналарнинг сақланиши ва уларга амал қилиниши ҳозирда ҳам оилавий муносабатларда намоён бўлмоқда. Бундай оилаларда ёшлар ижтимоий ва оилавий ҳаёт тажрибасини, дунёқараш тамойилларини мерос қилиб олади. Анъана, одат ва маросимлар оила орқали шахснинг камол топиши ва шаклланишида қудратли восита бўлиб, унинг ижтимоий барқарорлигини таъминлайди.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, уч ва ундан кўп авлод бирга яшаётган оилаларда этномаданий анъаналар анча мустахкам сақланади, уни тўлдирлади. Бундай қатта оилаларда ёшларнинг иқтисодий мустақиллиги шарт бўлмасдан, уларда фарзанд тарбиясига эътибор кўпроқ бўлган.

Никоҳ, қон-қардошлик, васийлик каби маросимлар маълум ахлоқий қоидаларга кўра, оила давраида бажарилган. Хун олиш, бевафолик, ичкиликбозлик, ўғрилиқ каби салбий одатлар қораланган.

Ислом динига биноан фарзанд дунёга келган, ота-онанинг қуйидаги бурч ва вазифаларни бажариши одатта айланган:

1. Ота-она фарзандини ҳалол ризқ билан боқиши.
2. Болага чиройли ва маъноли исм қўйиш.
3. Илкони бўлса ақиқа қилиш (зиёфат бериш).
4. Ўғил бола бўлса, суннат қилиш.
5. Ҳамма фарзандларини бир хилда кўриш.

¹ А. Фитрат. Оила. – Т.: «Маънавият», 1999, 103–104-б.

6. Фарзандларининг яхши кишилар билан дўст бўлишига эътибор бериши.
7. Болани одобли қилиб тарбиялаш.
8. Яхши ва ёмонни ажратишга ўргатиш.
9. Касб-хунар ва билим олишга ўргатиш.
10. Уйланиш ёшига етганида, фарзандларини уйлантириши зарур¹.

ХУЛОСА

Маълумки, барча даврларда ижтимоий тараққиёт асосини инсон ва унинг фаолияти ташкил этиб келган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, инсон манфаатлари, талаб-эҳтиёжлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Президент Ислоом Каримов ушбу масала ҳусусида тўхталиб, шундай деган эди: «Инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож катламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжихатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини оширишдан иборат».

Шу маънода, кексаларнинг жамият ижтимоий тўғривор фаровонлигини оширишдан иборат. Шунинг учун, уларнинг ёш авлод тарбияси, зилмасида тутган ўрни, уларнинг ёш авлод тарбияси, ижтимоийлашуви ва мерослик аъналарининг узлуксизлигини таъминлашдаги аҳамияти бекиёсдир.

Истиқлол туфайли миллий тикланиш даврида айнан нуронийларимиз орқали аждодларимизнинг инсонпарварлик ғояларидан, халқимизнинг тарихий аъналаридан, миллий турмуш тарзи, одоб-ахлоқ талабларидан, насл-насаб, руҳият ва ирсият ҳақидаги, ислом динидати ижтимоий-тарбиявий ғоялардан, адолат ва маърифат тўғрисида фойдаланишга кенг имкониятлар яратилди. Мустақиллик йилларида юртимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2015 йилнинг мамлакатимизда «Кексаларни ёзозлаш йили», деб эълон қилиниши, уларга бўлган эътиборни кучайтирди.

¹ Қ. Абдурахмон. Ислоом ахлоқи. – Т.: «Мовароуннахр», 1997, 8–9-б.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарида алоҳида таъкидлагандек: «Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларга нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди»¹. Бу эса, ўз навбатида, кекса авлод вакилларига бўлган ғамхўрлик ва эътиборнинг кучайтиришга, ёши улуғ инсонлар ҳамда аҳолининг ҳимояга мухтож катламларини давлат ва жамият томонидан моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган эди. Бунда «...бирон-бир кекса инсон давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслиги, ҳеч қачон ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги лозим»² – деган эди давлатимиз раҳбари. Шу боис республикамызда кексаларни ёзозлаш, уларнинг турли эҳтиёжларини қондириб бериш мақсадида «Нуруний» жамғармаси тузилгани ва бу соҳада қатор тадбирларнинг амалга ошириб келинаётгани эътиборга лойиқдир.

«Кексаларни ёзозлаш йили» муносабати билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар кексалар саломатлигини яхшилаш, уларни давлат ва жамоат ишларига кенг жалб этиш, ақлий ва жисмоний фаолиятини кучайтириш, бир сўз билан айтганда, жамиятдаги ҳиуфузи ва обрў-эътиборининг янада кучайтиришига ҳизмат қилиши шубҳасиздир.

¹ Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2013, 130-б.
² Ўша манба, 164-б.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Оиладаги қадрият.....	5
Авлодлар ворислиги	14
Хулоса	29

Ш. СОДИҚОВА

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ПАРИСИ БОР

Тошкент «Мазъавият» 2015

Мухаррир О. Пардаев
Мусаввир Ш. Соҳибов
Мусаххих Ш. Ҳасимова
Компьютерда тайёрловчи Н. Аҳмедов

Лицензия АЛ №189, 10.05.2011 й. да берилган. Боснига 20.05.2015 й.да
руҳсат этилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$ Таймс гарнитураси. Оффсет босма
усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Нашр т. 1,98. 1000 нусха.
Буюртма № 15-59. Нархи шартнома асосида.

«Мазъавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент.
Тараққиёт 2-беккўча, 2-уй. Шартнома 22-15.